

КЕЛАЖАК ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ЭССЕ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Севара Улугбек қизи АЛИЖОНОВА

таянч докторант
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
Тошкент, Ўзбекистон
e-mail: sevaraalijonova@mail.ru
ORCID: 0009-0005-0227-5133

Аннотация

Мақолада келажак журналистикаси муаммолари ва истиқболлари, эссе жанрининг тараққий этиши, сунъий интеллектнинг фикрловчи жамият ва эссеистикага таъсири таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: эссеистика, сунъий интеллект, фикр журналистикаси, публицистика, тенденция, футуролог, гипотеза.

ЖУРНАЛИСТИКА БУДУЩЕГО: ЭССЕ И ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Севара Улугбек кизи АЛИЖОНОВА

докторант
Университет журналистики и
массовых коммуникаций Узбекистана
Ташкент, Узбекистан
e-mail: sevaraalijonova@mail.ru
ORCID: 0009-0005-0227-5133

Аннотация

В статье анализируются проблемы и перспективы журналистики будущего, развитие жанра эссе, а также влияние искусственного интеллекта на мыслящее общество и эссеистику.

Ключевые слова: эссеистика, искусственный интеллект, публицистика, журналистика, тенденция, футуролог, гипотеза.

Эссе янги фикрларни шакллантиришдаги мулоқот жанри, шунингдек, мулоҳаза ва таҳлиллار орқали инсоннинг шахсий тажрибаси билан ички дунёси ўртасидаги алоқани кўрсатади [1;8]. Макс Вебернинг ижтимоий назарияларига кўра, эссе ижтимоий жараёнларни тадқиқ қилиш ва шахсий фикрлар орқали уларни таҳлил қилиш имконини берувчи воситадир [15;9]. Михаил Эпштейн эса эссени инсоннинг ўзини англаш ва фалсафий саволларга жавоб бериш воситаси сифатида тушунган. Унинг таърифларида эссе интеллектуал изланиш воситаси деб таъкидланади [3;9]. Мураккаб

интеллектуал ёки маданий мавзуларни осон ва тушунарли шаклда тақдим этишга, жамиятни фикрлашга ундашга қаратилган жанр келажаги сунъий интеллектга муккасидан кетаётган инсоният учун керакми, деган ҳақли саволни ўртага ташлайди. Эссе жанрининг келажаги борасидаги хавотирли саволларга шу мақола орқали жавоб излаймиз.

Футурологлар сунъий интеллект (СИ)нинг инсон ақлига таъсири ҳақида турли қарашлар билдиришмоқда. Кўплаб олимлар СИнинг инсонлар фикрлаш қобилиятига салбий таъсир қилиши мумкинлигидан хавотирда, чунки СИ инсоннинг бир қатор вазифаларини автоматлаштириш орқали унинг шахсий фикрлашга бўлган талабини камайтириши мумкин. Масалан, Оксфорд университети профессори, файласуф Ник Бостромнинг “Сунъий интеллект: Босқичлар, таҳдидлар, стратегиялар” [2;8] китобида сунъий интеллект ва унинг инсон ҳаётига эҳтимолий таъсири таҳлил қилинган. Бостром СИнинг ривожланиши инсонларнинг ақлий фаолиятига қандай таъсир қилишини муҳокама қилади. Унинг фикрига кўра, инсонлар баъзи вазифаларни СИга юклаб, ўз ақлий салоҳиятини ишлатмасдан фойдаланишга мослашишлари мумкин. Унинг фикрича, бундай ҳолатда инсонлар шахсий таҳлил ва инноватив фикрлаш қобилиятини аста-секин йўқотиши хавфи бор. У “Сунъий интеллект, назарий жиҳатдан, одамлар ҳозир бажарадиган когнитив вазифаларнинг кўпини ўз зиммасига олиши мумкин. Бу одамлар қарор қабул қилишда машиналарга таянадиган ва охир-оқибатда ўзларининг когнитив имкониятларини бузадиган вазиятга олиб келиши мумкин”, деган гипотезани илгари суради [5;8]. Футуролог Ювал Ной Ҳарари эса келажакда одамлар ўз ҳаётларини СИга тўлиқ ишониб топширишлари мумкинлиги ва шу билан инсонларнинг фикрлаш қобилияти пасайишидан огоҳлантиради. У инсониятнинг ёрқин келажаги СИга бўлган тўғри ёндашувда эканини, лекин сунъий интеллект инсонларнинг мустақил қарорлар қабул қилиш қобилиятини чеклаб қўйиши ҳам мумкинлигини таъкидлайди. (“Биз қарор қабул қилишда алгоритмлар ва сунъий интеллектга кўпроқ таянганимиз сабабли, мустақил фикрлаш қобилиятини йўқотишимиз мумкин. Агар биз

машиналар яхшироқ билишига ишонсак, чуқур когнитив ҳаракатлар билан шуғулланиш зарурлигини ҳис қилмаслигимиз мумкин”), деган фикрни олға суради [8;8].

Америкалик иқтисодчи, политолог олим Шошана Зубоффнинг 2019 йилда нашр қилинган “Кузатув капитализми даври: ҳокимият янги чегарасида инсон келажаги учун кураш” асарида технологиялар, жумладан СИ ва алгоритмларнинг инсонлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатиши таҳлил қилинган. Зубофф рақамли технологиялар орқали инсонлар кузатилиши ва бошқарилиши мумкинлигидан хавотирда. У алгоритмлар инсонлар истак ва танловларини таҳлил қилиб, уларнинг фикрлаш ва қарор қабул қилиш жараёнига тажовуз қилишини ёзади. Бундай ҳолатда инсонлар ўз фикрлаш қобилиятини йўқотиб, алгоритмларга боғлиқ ҳолга келиши мумкин [16;9]. Ёзувчи Жеймс Баррат ўзининг “Бизнинг сўнгги ихтиромиз: сунъий интеллект ва инсоният даврининг тугаши” асарида СИнинг ривожланиши ва унинг инсон ҳаётига эҳтимолий хавфлари ҳақида фикр юритади. Баррат сунъий интеллектнинг инсондан ортда қолмас даражада ривожланиши натижасида инсоният ўз аҳамиятини йўқотиб қўйиши мумкинлиги ҳақида ёзади. Унинг фикрига кўра, СИ турли соҳаларда инсон ақлидан устун бўлиб, одамларнинг мураккаб вазифалар ва қарорларни қабул қилиш қобилиятини сустлаштириши мумкин [4;8].

Neuralink ва OpenAI асосчиларидан бири бўлган Илон Маск сунъий интеллектнинг ривожланиши ҳақидаги хавотирларини бир неча бор баён қилган. У инсонларнинг ақлий қобилиятига таъсир қилиш хавфи борлигини таъкидлаб, СИни хатарли технологиялар қаторига қўшади. И.Маскнинг фикрига кўра, агар инсонлар СИга ҳаддан ташқари ишониб кетишса, бу уларнинг ақлий фаолиятини пасайтириши мумкин. Шу билан бирга, у бу технологияни қўллашда маълум бир этик меъёрларга риоя қилиш кераклигини таъкидлайди [13;9].

Социолог, медиа футурологларнинг кўпчилиги сунъий интеллектнинг инсонлар фикрлаш қобилиятига таъсир қилиш хавфи борлигини қайд этади.

Ник Бостром, Ювал Ной Ҳарари ва бошқаларнинг фикрларига кўра, агар инсонлар СИга ҳаддан ташқари боғланиб қолсалар, улар фикрлаш қобилиятини йўқотишлари мумкин. Масалан, интеллектуал изланиш ва чуқур таҳлил ўрнига сунъий интеллектга юкланган маълумотлар асосида иш қилиш оқибатида инсонлар фикрлашга бўлган эҳтиёжни камайтиришлари эҳтимоли бор. Шунинг учун олимлар инсонларни СИни ёрдамчи восита сифатида ишлатишга чақирмоқда, лекин шахсий таҳлил ва фикрлаш қобилиятини сақлаб қолиш муҳим эканлигини таъкидлайдилар.

Шундай вазиятда инсонни тафаккур қилишга, фикрлашга ундовчи эссе жанри келажаги ҳақида қандай гипотезаларни илгари суриш мумкин?

Сунъий интеллектнинг тез ривожланиши ва унинг ижтимоий, маданий ҳаётга таъсири эссе жанрининг келажаги ҳақида турли олимлар томонидан илгари сурилган бир қанча гипотезаларга сабаб бўлмоқда. Олимлар эссе жанри сунъий интеллект шароитида қандай ўзгариши, қандай аҳамият касб этиши ва унинг қиймати ҳақида турли назариялар таклиф қилишган.

Жанр келажаги атрофидаги гипотезалар:

Америкалик адабий танқидчи ва назариётчи олим Фредерик Жеймисоннинг фикрича, сунъий интеллект ва технологияларнинг тарқалиши эссе жанридаги шахсийликни йўқотиши мумкин. У технологиялар орқали инсоннинг шахсий тажрибаси ва ҳис-туйғуларини автоматлаштириш хавфини кўрсатади. Жеймисон постмодернизм шароитида ёзувчининг шахсий мулоҳазаларига асосланган эсселарнинг камайишига ишора қилади, чунки СИ ёрдамида яратилган контентда шахсий мулоҳаза ўрнини маълумотлар таҳлили эгаллайди [10;8].

Адабиётшунос олим Н.Кетрин Хейлснинг фикрича, сунъий интеллектнинг ривожланиши эссе жанрини рақамли муҳитга мослаштиришга мажбур қилади. Эссе шахсийликни сақлаб қолади, аммо сунъий интеллект воситасида публицистлар эссени инсон ва машина ўртасидаги мулоқот воситаси сифатида кўради, яъни инсон фикрлари сунъий интеллект орқали интерпретация қилиниб, янги шаклларда ифода этилади [7;8].

Браун университети профессори Жорж Ландоу эссени гипертекст воситасидаги мултимедиавий формага ўтиши мумкинлигини таъкидлайди. У сунъий интеллект ёрдамида эссени кўп форматли (матн, видео, аудио) шаклга айлантириш мумкинлигини кўрсатади. Бунда эссе фақат матн эмас, балки интерактив ва гипербоғланган контентга айланади, бу аудиториянинг фаол иштирокини талаб қилади [13;9].

Немис социолог олими Томас Лемке “Нарсалар ҳукумати: Фуко ва янги материализмлар” асарида медиатеchnологиялар ҳақида фикр юритар экан, сунъий интеллект даврида эссе ёзиш жараёнида инсоннинг шахсий фикрлари хануз устунлик қилиши мумкин, аммо СИ воситалари ёрдамида эссени яратиш тезлашади ва маълумотлар асосида кўпроқ рационал таҳлиллар қилинади. У эссе жанрининг келажагида инсон ва сунъий интеллект ҳамкорлиги асосида кўради, яъни СИ маълумотлар йиғишда ёрдам берса, инсон ҳис-туйғулар ва таассуротларни ёрқинроқ ифодалашини таъкидлайди [14;9].

Ник Бостром “Сунъий интеллект: Босқичлар, таҳдидлар, стратегиялар” асарида сунъий интеллектни интеллектуал жараёнларга жалб қилиш эссе ёзиш жараёнини ўзгартиришини таъкидлайди. У келажакда эссе ёзишнинг муҳим қисми этика ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни СИ орқали таҳлил қилишга асосланиши мумкинлигини айтади. Эссе ёзувчилари инсоннинг шахсий фикрларини илмий маълумотлар билан уйғунлаштирган ҳолда ёзиш имкониятига эга бўлади, бу эса эссенинг янги турларини яратади, деган ғояни илгари суради [6;8].

Ювал Ноа Ҳарари эссе жанрининг келажаги сунъий интеллект таъсирида инсон тажрибасини қайта англаш билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини айтади. У инсоннинг эссени шахсий туйғулар ва ҳис-туйғулардан кўра, маълумотларга ва сунъий интеллект асосланган таҳлилларга йўналтириши мумкинлигини кўрсатади. Бу ҳолатда эссе интеллектуал ва таҳлилий жанрга айланади [9;8].

Француз файласуфи Бернард Стиглер эса “Техника ва вақт: Эпимитейнинг хатоси” китобида эссе жанрини келажакда инсон ва технология ўртасидаги муносабатларни ифодалашнинг асосий воситаси сифатида кўради. Унинг фикрича, сунъий интеллект эссе ёзиш жараёнида ёрдамчи восита сифатида хизмат қилади, аммо инсон ўз шахсий мулоҳазалари орқали эссени инсонгина ёзиш мумкин бўлган асар сифатида сақлаб қолади, деган гипотезани илгари суради [14;9].

Сунъий интеллектнинг ёзиш жараёнига таъсири бўйича бир қатор олимлар эссе жанрида шахсийликни сақлаб қолиш ва сунъий интеллект ёрдамида интеллектуал имкониятларни кенгайтириш ҳақидаги гипотезаларни илгари суришмоқда. Эссе келажакда инсоннинг шахсий фикрлари ва сунъий интеллект билан ҳамкорликдаги жараёнлар ўртасидаги мувозанатни топишда деб қаралмоқда.

Бизнингча эса, эссе жанрининг келажакдаги ва унинг инсонлар ҳамда жамиятларга таъсири ҳақида умид қилиш мумкин, чунки эссе инсон тафаккурини очиш, ижодий ёндашувини ривожлантириш ва шахсий нуқтаи назарини билдириш воситаси бўлиб қолаверади. Сунъий интеллект ривожланиши орқали инсонларнинг фикрлаш жараёнига таҳдид солинаётган бўлса ҳам, эссе жанрининг келажакда ҳам муҳим жанр сифатида қаралишига куйидаги сабабларни келтириш мумкин:

Шахсий фикрнинг сақланиб қолиши;

Эссе шахсий фикрлаш ва чуқур таҳлил қилишни талаб қиладиган жанрлардан бири ҳисобланади. Сунъий интеллект инсонларнинг оддий вазифаларини ҳар қанча автоматлаштириб бермасин, шахсий қарашлар ва оригинал фикрлар доимо муҳим бўлиб қолаверади. Келажакда, ахборотнинг жадал тарқалиши ва инсонларнинг маълумотларга кириши осонлашса ҳам, шахсий тушунчалар, этика ва фалсафа каби масалаларга чуқур ёндашишга талаб сақланиб қолади. Эссе бунна шу талабга жавоб бера олади.

Фикрлаш ва ижодкорликнинг йўқолиб кетмаслиги;

Сунъий интеллект одатда автоматлаштирилган вазифалар ва маълумотларни қайта ишлашга мос келади, лекин ижод ва шахсий ёндашувни қайта ишлай олмайди. Эссе инсон ақлининг ўзгача жиҳатлари – янгича фикрларни излаб топиш, оригинал ёндашувлар яратиш каби жиҳатларни ёритиб беради. Инсонларнинг маънавий, ахлоқий ва фалсафий изланишлари тўхтамаслиги боис ижодий ёндашув ва шахсий фикр келажак жамиятида ҳам муҳимлигини йўқотмайди. Эссе жанри келажакдаги инсонларга ўзларининг инноватив фикрларини тақдим этиш учун восита бўлиб хизмат қилади.

Шахсий ва ижтимоий танқид;

Эссе жанри нафақат шахсий фикрни, балки жамиятда ёки дунёда содир бўлаётган сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзгаришларни таҳлил қилиш воситаси сифатида ҳам муҳим бўлиб қолади. Келажак журналистикасида ҳам сиёсий ёки ижтимоий танқидларга эҳтиёж доимо бўлади. Бу танқидлар воситасида инсонлар жамиятдаги масалаларни чуқур тушунишлари ва уни тўғрилаш учун фикрлашлари мумкин. Эссе жамиятдаги муаммоларни очикчасига муҳокама қилишга йўл очадиган жанр бўлиб, танқид ва таҳлил маданиятини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Ижтимоий мулоқот ва таъсир;

Эссе жанри инсонлар ўртасида мулоқот қилиш ва бир-бирини тушунишга йўл очади. Бу жамият учун фақат ахборотни тарқатиш воситаси эмас, балки ўзаро таъсир қилиш ва фикр алмашиш воситаси сифатида ҳам зарур. Масалан, эссе инсонлар ўртасида маънавий ва фикрий мулоқотни ошириб, жамиятдаги инсонлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди. Сунъий интеллект қанчалик ривожланмасин, инсонлар ўртасидаги ҳақиқий мулоқот ва шахсий фикр алмашинуви доимо долзарб бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллектга тобелик ортиб боргани сари одамлар ва журналистиканинг самимият, ҳис-туйғуни ифодалаш ва уни улашишга эҳтиёжи ортади. Совуқ онг автоматлаштиришга ва инсонларнинг баъзи вазифаларини осонлаштиришга ёрдам берса ҳам, шахсий фикр, таҳлил

ва чуқур мулоҳаза қилиш каби инсонга хос хусусиятлар айнан эссе орқали сақланиб қолади. Эссе жанри келажак журналистикаси ва жамият учун нафақат муҳим, балки зарур бўлиши мумкин, чунки у ҳиссий интеллект, ижодий тафаккурни ўзида сақлаб қолган кам сонли жанрлардан бирига айланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бахтин М. М. Эстетика словесного творчества / Походаев В.С. – Москва: Искусство, 1986. – 445 с.
2. Бостром Н. Искусственный интеллект. Этапы. Угрозы. Стратегии / Перевод С.Филина. – Москва: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 446 с.
3. Эпштейн М. Эссеистика и эссеизм в культуре нового времени. Всё эссе. – Москва: У-Фактория, 2004. – 477 с.
4. Barrat J. Our Final Invention: Artificial Intelligence and the End of the Human Era. St.Martin's Press, 2013.
5. Bostrom N. Superintelligence : paths, dangers, strategies. Oxford University Press, 2013. P 48.
6. Bostrom N. Superintelligence : paths, dangers, strategies. Oxford University Press, 2013. P 86.
7. Hayles N.K. How We Became Posthuman: Virtual Bodies in Cybernetics, Literature, and Informatics. P. - University of Chicago Press Journals, 1999.
8. Harari Y.N. Homo Deus: A Brief History of Tomorrow. Dvir publishing, 2015.
9. Harari N.Y. Homo Deus: A Brief History of Tomorrow. Dvir publishing, 2015.
10. Jameson F. Postmodernism, or, The Cultural Logic of Late Capitalism. P. - Duke University Press, 1991. Page Number: iv.
11. Landow P.G. Hypertext 3.0: Critical Theory and New Media in an Era of Globalization (Parallax: Re-visions of Culture and Society). P. - Johns Hopkins University Press, 2006.

12. Lemke T. The Government of Things: Foucault and the New Materialisms. P. – New York University Press. 2021.

13. Mask E. AI will mean people no longer need to work.
<https://www.telegraph.co.uk/politics/2023/11/02/rishi-sunak-latest-news-ai-summit-elon-musk-donelan-live/>

14. B.Stiegler. Technics and Time, 1: The Fault of Epimetheus. Stanford University Press, 1998.

15. Weber M. From Max Weber: Essays in Sociology – England:Bryan S.Turner. 1991. P12.

16. Zuboff Sh. The age of surveillance capitalism: the fight for a human future at the new frontier of power: New York: Public Affairs, 2019, 704 pp.